

**QORAQALPOG'ISTON
RESPUBLIKASI
VAZIRLAR KENGASHINING
QARORI**



**QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASI
MINISTRLER KENESININ
QARARI**

2023 - yil 10 - yanvar

16-13-0-Q/23

Qoraqalpog'iston Respublikasi
Vazirlar Kengashi

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30
декабрдаги «2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий
ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги ПҚ-465-сон қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги «2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-465-сон қарорининг ижросини таъминлаш, шунингдек 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни Қорақалпоғистон Республикасида ҳаётга татбиқ этиш, айниқса маҳаллаларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳамда тадбиркорлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги «2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-465-сон қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатилган қарори билан:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда - маҳаллий ҳокимликлар) манфаатдор вазирликлар, идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан жамоатчилик фикри ва аҳоли истаклари асосида 2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда - Дастур)

ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинганлиги;

қуйидагилар:

2023 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий параметрлари ҳамда 2024-2025 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 1-иловага мувофиқ;

2023 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожлантириш дастури доирасида молиялаштириладиган йўналишларнинг асосий параметрлари 1а-иловага мувофиқ;

2023 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ишга тушириш ҳамда янги қувватлар яратишнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳамда 2024-2025 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 2-иловага мувофиқ;

2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатлар 3-16-иловаларга мувофиқ;

2023 йилда маъмурий, муҳандислик-инфратузилма, алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли рўйхат 17-иловага мувофиқ;

2023 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва мудофаа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли рўйхат 18-иловага мувофиқ;

2023 йилда махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳамда йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича объектларнинг йиғма параметри ва манзилли рўйхатлари 19, 19а-19в-иловаларга мувофиқ;

2023 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган бюджет тизими бюджетларидан молиялаштириладиган объектлар рўйхати 20-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига Дастурнинг асосий параметрлари, мақсадли кўрсаткичлари ҳамда манзилли рўйхатлари белгиланган муддатларда сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини, шунингдек, ажратилган маблағлар мақсадли ҳамда самарали сарфланишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юкланганлиги;

б) қуйидагилар:

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишларининг манзилли рўйхатлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилиши;

2023 йилдан бошлаб Дастур доирасида маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган лойиҳаларнинг (объектларнинг) манзилли рўйхатлари ҳудудий иқтисодиёт ва молия бошқармалари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари томонидан тасдиқланиши белгиланганлиги;

в) шундай тартиб ўрнатилганлиги ва унга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларига:

лойиҳаларни (объектларни) молиявий ресурслар билан таъминлаш имкониятини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишмасдан Дастурга киритиши;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан келишмасдан Дастурга киритилган лойиҳаларнинг (объектларнинг) лойиҳавий ечимларини ўзгартириш тўғрисида таклиф тайёрлаши тақиқланганлиги;

г) Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби (Э.Т.Юлдашев)га:

туман (шаҳар) ва ҳудудлар даражасида Дастурнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши, шу жумладан ҳар бир лойиҳа (объект) бўйича маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши, қурилиш-пудрат ишлари сифатли бажарилиши, харид қилиш тартиб-таомиллари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини;

консолидациялашган бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириш манбаи аниқ бўлмаган, лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатлари мавжуд бўлмаган (ёки лойиҳа ҳужжатлари параллел равишда ишлаб чиқиляётган) ҳамда пудрат (лойиҳа) ташкилотлари танлов (тендер) ўтказилмасдан танлаб олинган лойиҳаларга (объектларга) харажатлар амалга оширилмаслигини;

Дастур доирасида 2023 йилда яқунланиши назарда тутилган объектлар

белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши устидан тизимли назоратни ташкил этиши белгиланганлиги;

д) Дастурнинг сифатли амалга оширилишини мувофиқлаштириш, қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш ҳамда Дастурга ўзгартириш киритиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-98-сон қарорида назарда тутилган тартибда амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг асосий параметрлари ва манзилли рўйхатлари доирасида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича:

2023 йилда Қорақалпоғистон Республикасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхат 1-иловага мувофиқ;

2023 йилда маъмурий, муҳандислик-инфратузилма, алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли рўйхат 2-иловага мувофиқ;

2023 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва мудофаа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли рўйхат 3-иловага мувофиқ;

2023 йилда махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳамда йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича объектларнинг йиғма параметри ва манзилли рўйхатлари 4 – 6-иловаларга мувофиқ;

2023 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган бюджет тизими бюджетларидан молиялаштириладиган объектлар рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари (Н.Ерлеспесов, Е.Аташов, А.Данияров, Д.Қаипов, Р.Зарикеев) туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимлари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари зиммасига Дастурнинг асосий параметрлари, мақсадли кўрсаткичлари ҳамда манзилли рўйхатлари белгиланган муддатларда сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини, шунингдек, ажратилган маблағлар мақсадли ҳамда самарали

сарфланишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Е.Аташов, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликлари, буюртмачилар:

а) **икки ҳафта муддатда** молиялаштириш ҳажмларини қурилиш-монтаж ишларининг календарь жадваллари билан узвий боғлиқликда аниқлаштирган ҳолда, 2023 йил учун йилдан йилга утувчи қурилиш объектларининг манзилли рўйхатини белгиланган тартибда тасдиқласин;

б) харид қилиш тартиб-таомиллари яқунланганидан сунг **ўн кун ичида** 2023 йил учун янгидан бошланадиган лойиҳаларнинг (объектларнинг) манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тасдиқласин;

в) **икки ой муддатда** 2023 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари асосида, белгиланган тартибда танлов (тендер) ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, харид қилиш тартиб-таомилларини яқунлаш ва танлов (тендер) фолиблари билан пудрат шартномаларини тузиш чораларини кўрсин;

г) **2023 йил 15 февралга қадар** Дастурнинг асосий параметрларини бажариш, шу жумладан лойиҳалар (объектлар) бўйича капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг прогноз кўрсаткичларини чораклар кесимида тасдиқлаб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига келишиш учун тақдим этсин. Бунда:

2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида барча лойиҳалар (объектлар) бўйича йиллик режалаштирилган ўзлаштириш ҳажмларининг камида 40 фоизини, шу жумладан, йилдан-йилга утувчи лойиҳалар (объектлар) бўйича камида 50 фоизини бажариш;

2023 йилда яқунланадиган таълим муассасалари объектларини 15 августга қадар, ичимлик ва оқов сув, иссиқлик таъминоти, соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар объектларини - 1 октябрга қадар, автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар, ирригация ва мелиорация тизимлари объектларини - 1 декабрга қадар фойдаланишга топширишни назарда тутилсин;

д) ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 3-санасига қадар Дастурдаги ҳар бир лойиҳанинг (объектнинг) прогноз кўрсаткичи ва асосий параметрлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳамда Вазирлар Кенгашига тақдим этиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (Е.Аташов) Қурилиш вазирлиги, Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси, туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** Дастурга киритилган лойиҳа (объект) учун белгиланган буюртмачиларга лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари (Н.Ерлеспесов, Е.Аташов, А.Данияров, Д.Қаипов, Р.Зарикеев) туманлар ва Нукус шаҳар ҳокимлари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари билан биргаликда **2023 йил 1 июнга қадар** тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари (стратегиялари), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси халқ депутатлари Кенгаши ҳамда аҳолининг таклифлари асосида келгуси 3 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси лойиҳалари портфелини объектларнинг устуворлигидан келиб чиқиб, шакллантирсин ва тасдиқланишини таъминласин.

7. Қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири, Молия вазири, Қурилиш вазири ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири белгилансин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар
Кенгаши Раиси**



Ф.Эрманов

Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar
Kengashining
2023 yil 10 yanvardagi
16-13-0-Q/23-son qaroriga
1-ilova

2023 йилда Қорақалпоғистон Республикасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш, муқаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

млн сўм

| Т/р | Лойиҳа сони | Объект номи ва манзили | Амалга ошириш муддати | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа қуввати | 2023 йилда фойдаланишга топширила-диган қувват | шу жумладан: | | | 2023 йил учун лимит* | Дастурга киритиш учун асос | |
|-----|-------------|--|-----------------------|-----------------------|----------------|--|--------------|----------------|--------------------|----------------------|----------------------------|--|
| | | | | | | | Янги қурилиш | Реконструк-ция | Муқаммал таъмирлаш | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | |
| | 65 | Жами | | | | | | | | 580 028,2 | | |
| | | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | | | |
| | 27 | Ижтимоий соҳалар | | | | | | | | 232 178,9 | | |
| | | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | | | |
| | 12 | Умумтаълим мактаблари | | ўқув ўрин | 4 606 | 4 606 | 4 426 | | 180 | 88 554,0 | | |
| | | | | ётоқ жой | 225 | 225 | 225 | | | | | |
| | | | | спорт зал (12x24) | 4 | 4 | 4 | | | | | |
| | 1 | Ижод ва ихтисослашган мактаблари | | ўқув ўрин | 504 | 504 | 504 | | | 45 324,6 | | |
| | | | | ётоқ жой | 222 | 222 | 222 | | | | | |
| | | | | спорт зал (12x24) | 1 | 1 | 1 | | | | | |
| | 8 | Мактабгача таълим ташкилотлари | | ўрин | 980 | 980 | 840 | 140 | | 35 842,6 | | |
| | 3 | Соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар | | ўрин | 230 | 230 | 180 | 50 | | 34 749,3 | | |
| | | | | катнов | 50 | 50 | 50 | | | | | |
| | 1 | Олий таълим муассасалари | | объект | 1 | 1 | | | 1 | 2 821,0 | | |
| | 2 | Илм-фан ва инновация | | объект | 2 | 2 | 1 | | 1 | 24 887,4 | | |
| | 3 | Муҳандислик-коммуникация тармоқлари | | | | | | | | 66 897,7 | | |
| | | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | | | |
| | 3 | Сув таъминоти ва канализация | | км | 24,0 | 24,0 | 24,0 | | | 66 897,7 | | |
| | | | | объект | 3 | 3 | 2 | 1 | | | | |
| | 10 | Йўл-транспорт инфратузилмаси | | | | | | | | 113 400,0 | | |
| | | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | | | |
| | 6 | Автомобиль йўллари | | км | 110,8 | 9,0 | | 9,0 | | 103 100,0 | | |
| | | | | объект | 2 | 2 | 2 | | | | | |
| | 4 | Кўприklar ва йўл ўтказгичлар | | пм | 115,8 | 115,8 | | 24,0 | 91,8 | 10 300,0 | | |
| | 25 | Ирригация ва мелiorация | | | | | | | | 162 785,2 | | |
| | | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | | | |
| | 17 | Ирригация тармоқлари ва иншоотлари | | канал, км | 244,0 | 81,6 | | 81,6 | | 126 421,9 | | |
| | | | | насос станция, м3/сек | 9 | 9 | 9 | | | | | |

| | | | | | | | | | | | |
|----|----|---|---------------|----------------------|-------|-------|-------|------|-----|----------------|---|
| | 8 | Мелиорация тармоқлари ва иншоотлари | | коллектор, км | 124,4 | 56,5 | 3,2 | 53,3 | | 36 363,4 | |
| | | Бошқалар | | кўприк, дон | 1 | 1 | | 1 | | 4 766,4 | |
| | | шундан: | | объект | | | | | | | |
| | 12 | Умумтаълим мактаблари (Буюртмачи: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши) | | ўқув ўрин | 4 606 | 4 606 | 4 426 | | 180 | 88 554,0 | |
| | | | | ётоқ жой | 225 | 225 | 225 | | | | |
| | | | | спорт зал (12x24) | 4 | 4 | 4 | | | | |
| | | шу жумладан: | | | | | | | | | |
| | 3 | Янги қурилиш | | ўқув ўрни | 990 | 990 | 990 | | | 29 004,5 | |
| | | | | спорт зал (12x24) | 3 | 3 | 3 | | | | |
| 1 | 1 | Кегейли тумани "Ақтуба" ОФЙ ҳудудида янги умумтаълим мактабини қуриш | 2022-2023 йй. | ўқув ўрин | 330 | 330 | 330 | | | 10 124,8 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сон Фармони |
| | | | | спорт зал (12x24) | 1 | 1 | 1 | | | | |
| 2 | 2 | Қораўзак тумани "Есим" МФЙ ҳудудида янги умумтаълим мактабини қуриш | 2022-2023 йй. | ўқув ўрин | 330 | 330 | 330 | | | 9 159,6 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сон Фармони |
| | | | | спорт зал (12x24) | 1 | 1 | 1 | | | | |
| 3 | 3 | Қонликўл тумани "Наврўз" ОФЙ ҳудудида янги умумтаълим мактабини қуриш | 2022-2023 йй. | ўқув ўрин | 330 | 330 | 330 | | | 9 720,1 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сон Фармони |
| | | | | спорт зал (12x24) | 1 | 1 | 1 | | | | |
| | 9 | Реконструкция қилиш | | ўқув ўрни | 3 616 | 3 616 | 3 436 | | 180 | 41 929,0 | |
| | | | | ётоқ жой | 225 | 225 | 225 | | | | |
| | | | | спорт зал (12x24) | 1 | 1 | 1 | | | | |
| 4 | 1 | Нукус шаҳар "Янгибозор" МФЙдаги 45-сон мактабни реконструкция қилиш | 2022-2023 йй. | ўқув ўрин | 660 | 660 | 660 | | | 2 903,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи баёни (07.03.2022 йилдаги 16-сон) |
| 5 | 2 | Элликқалъа тумани "Чуқурқоқ" ОФЙдаги 33-сон мактабни реконструкция қилиш | 2022-2023 йй. | ўқув ўрин | 176 | 176 | 176 | | | 1 707,6 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи баёни (07.03.2022 йилдаги 16-сон) |
| | | | | спорт зал (12x24) | 1 | 1 | 1 | | | | |
| 6 | 3 | Хўжайли тумани "Янги қўнғирот" МФЙдаги 3-сон маҳсул иختисослаштирилган мактаб-интернатини реконструкция қилиш | 2022-2023 йй. | ётоқ жой | 150 | 150 | 150 | | | 3 610,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи баёни (07.03.2022 йилдаги 16-сон) |
| 7 | 4 | Хўжайли тумани "Узумзор" МФЙ 6-сон маҳсул иختисослаштирилган мактаб-интернатини реконструкция қилиш (сузиш ҳавзаси қуриш билан бирга) | 2022-2023 йй. | ўқув ўрин | 276 | 276 | 96 | | 180 | 3 895,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи баёни (07.03.2022 йилдаги 16-сон) |
| | | | | ётоқ жой | 75 | 75 | 75 | | | | |
| 8 | 5 | Нукус тумани "Тақирқўл" ОФЙдаги 22-сон мактабни реконструкция қилиш | 2023 йй. | ўқув ўрни | 420 | 420 | 420 | | | 5 208,0 | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг қарори (31.05.2022 йилдаги 726-сон) |
| 9 | 6 | Нукус шаҳри "Алтин жағис" МФЙдаги 51-сон мактабни реконструкция қилиш | 2023 йй. | ўқув ўрни | 894 | 894 | 894 | | | 9 849,4 | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг қарори (31.05.2022 йилдаги 726-сон) |
| 10 | 7 | Қўнғирот тумани "Жинишке" МФЙдаги 43-сон мактабни реконструкция қилиш | 2023 йй. | ўқув ўрни | 320 | 320 | 320 | | | 3 968,0 | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг қарори (31.05.2022 йилдаги 726-сон) |

| | | | | | | | | | | |
|----|---|--|--------------------------|-------------------|------------|------------|------------|------------|-----------------|---|
| 11 | 8 | Тўрткўл тумани "Туркистон" МФЙдаги 3-сон мактабни реконструкция қилиш | 2023 й. | ўқув ўрни | 540 | 540 | 540 | | 6 696,0 | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг қарори (31.05.2022 йилдаги 726-сон) |
| 12 | 9 | Чимбой тумани "Оржап" МФЙдаги 32-сон мактабни реконструкция қилиш | 2023 й. | ўқув ўрни | 330 | 330 | 330 | | 4 092,0 | Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 23 июндаги 05-05/2-607-сон хати |
| | | Кредитор қарздорликларни қоплаш | | | | | | | 14 453,1 | |
| | | Лойиҳа-қидирув ишлари | | | | | | | 3 167,4 | |
| | 1 | Ижод ва ихтисослашган мактаблари (Буюртмачи: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши) | | ўқув ўрин | 504 | 504 | 504 | | 45 324,6 | |
| | | | ётоқ жой | 222 | 222 | 222 | | | | |
| | | | спорт зал (12x24) | 1 | 1 | 1 | | | | |
| | | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | |
| | 1 | Янги қурилиш | | ўқув ўрин | 504 | 504 | 504 | | 45 324,6 | |
| | | | ётоқ жой | 222 | 222 | 222 | | | | |
| | | | спорт зал (12x24) | 1 | 1 | 1 | | | | |
| 13 | 1 | Нукус шаҳри "Ҳаво йўллари" МФЙ ҳудудида ижод ва ихтисослаштирилган мактаб қуриш ва жиҳозлаш | 2022-2023 йй. | ўқув ўрин | 504 | 504 | 504 | | 45 324,6 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 апрелдаги ПФ-106-сон Фармони |
| | | | | ётоқ жой | 222 | 222 | 222 | | | |
| | | | | спорт зал (12x24) | 1 | 1 | 1 | | | |
| | 8 | Мактабгача таълим ташкилотлари (Буюртмачи: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши) | | ўрин | 980 | 980 | 840 | 140 | 35 842,6 | |
| | | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | |
| | 5 | Янги қурилиш | | ўрин | 660 | 660 | 660 | | 20 063,0 | |
| 14 | 1 | Кегейли тумани "Ақтуба" ОФЙда янги 180 ўринли МТТ биносини қуриш | 2022-2023 йй. | ўрин | 180 | 180 | 180 | | 4 935,4 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сон Фармони |
| 15 | 2 | Қораўзақ тумани "Есим" МФЙда янги 180 ўринли МТТ биносини қуриш | 2022-2023 йй. | ўрин | 180 | 180 | 180 | | 4 915,4 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сон Фармони |
| 16 | 3 | Қонликўл тумани "Навруз" ОФЙда янги 180 ўринли МТТ биносини қуриш | 2022-2023 йй. | ўрин | 180 | 180 | 180 | | 4 812,2 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сон Фармони |
| 17 | 4 | Бўзатов тумани "Еркидарё" ОФЙ "Акеден" овулида 60 ўринли МТТ қуриш | 2023 й. | ўрин | 60 | 60 | 60 | | 2 700,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПК-4889-сон қарори |
| 18 | 5 | Хўжайли тумани "Шағалакуль" ОФЙда 60 ўринли МТТ қуриш | 2023 й. | ўрин | 60 | 60 | 60 | | 2 700,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПК-4889-сон қарори |
| | 3 | Реконструкция қилиш | | ўрин | 320 | 320 | 180 | 140 | 9 853,5 | |
| 19 | 1 | Беруний тумани "Махтумқули" ОФЙдаги 43-сон МТТни реконструкция қилиш | 2023 й. | ўрин | 90 | 90 | 90 | | 3 363,5 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПК-4889-сон қарори |
| 20 | 2 | Нукус шаҳар "Қутлы қоныс" ОФЙдаги 33-сон МТТни реконструкция қилиш | 2023 й. | ўрин | 90 | 90 | 90 | | 3 370,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПК-4889-сон қарори |
| 21 | 3 | Тўрткўл тумани "Ёшлик" МФЙдаги 15-сон МТТни реконструкция қилиш | 2023 й. | ўрин | 140 | 140 | | 140 | 3 120,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПК-4889-сон қарори |

| | | | | | | | | | | |
|----|---|--|---------------|---------------|------------|------------|------------|-----------|-----------------|--|
| | | Кредитор қарздорликларни қоплаш | | | | | | | 4 361,0 | |
| | | Лойиха-кидирув ишлари | | | | | | | 1 565,1 | |
| | 3 | Соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар (Буюртмачи: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши) | | қатнов | 50 | 50 | 50 | | 34 749,3 | |
| | | | | ўрин | 230 | 230 | 180 | 50 | | |
| | | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | |
| | 2 | Янги қурилиш | | қатнов | 50 | 50 | 50 | | 17 749,3 | |
| | | | | ўрин | 130 | 130 | 130 | | | |
| 22 | 1 | Кегейли тумани "Ақтуба" ОФЙдаги КОП янги биносини қуриш | 2022-2023 йй. | қатнов | 50 | 50 | 50 | | 1 350,9 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сон фармони |
| 23 | 2 | Нукус шаҳар "Шығыс" МФЙдаги Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Нукус филиали (қабул-ташхис, 40 ўринли жарроҳлик, 25 ўринли нейрожарроҳлик, 25 ўринли травматология, 20 ўринли болалар жарроҳлик, 20 ўринли гинекология, марказлашган стерилизация, биохимик лаборатория бўлимлари) қуриш | 2021-2023 йй. | ўрин | 130 | 130 | 130 | | 16 398,4 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасига ташриф баёни (21.11.2018 йилдаги 21351-хх-сон) |
| | 1 | Реконструкция қилиш | | ўрин | 100 | 100 | 50 | 50 | 9 000,0 | |
| 24 | 1 | Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази (мавжуд 50 ўринли бино ва иншоотларни мукамал таъмирлаш ҳамда қўшимча 50 ўринли ётоқ биносини қуриш) | 2023 й. | ўрин | 100 | 100 | 50 | 50 | 9 000,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги ПФ-6195-сон Фармони |
| | | Кредитор қарздорликларни қоплаш | | | | | | | 5 100,0 | |
| | | Лойиха-кидирув ишлари | | | | | | | 2 900,0 | |
| | 1 | Олий таълим муассасалари (Буюртмачи: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши) | | объект | 1 | 1 | | 1 | 2 821,0 | |
| | | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | |
| | 1 | Мукамал таъмирлаш | | объект | 1 | 1 | | 1 | 2 821,0 | |
| 25 | 1 | Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиалини мукамал таъмирлаш | 2022-2023 йй. | объект | 1 | 1 | | 1 | 2 821,0 | Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги 186-сон қарори ҳамда 2022 йил 26 июлдаги 31/1-2234-сон топшириғи |
| | 2 | Илм-фан ва инновация | | объект | 2 | 2 | 1 | 1 | 24 887,4 | |
| | | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | |
| | 1 | Янги қурилиш (Буюртмачи: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши) | | объект | 1 | 1 | 1 | | 8 711,5 | |
| 26 | 1 | Нукус туманида Орол бўйи халқаро инновация маркази қошида ўсимликлар уруғлар генбанки билан таъминланган лаборатория бизнес акселератор ўқув маркази ва технопарк қуриш | 2022-2023 йй. | объект | 1 | 1 | 1 | | 8 711,5 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5202-сон қарори |
| | 1 | Мукамал таъмирлаш (Буюртмачи: Фанлар академияси) | | объект | 1 | 1 | | 1 | 16 175,9 | |
| 27 | 2 | Қорақалпоғистон табиий фанлар илмий-тадқиқот институт биносини мукамал таъмирлаш | 2023 й. | объект | 1 | 1 | | 1 | 16 175,9 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи баёни (07.03.2022 йилдаги 16-сон) |

| | | | | | | | | | | | |
|----|----|---|---------------|-------------|-------|------|------|------|--|-----------|---|
| | 3 | Сув таъминоти ва канализация | | км | 24,0 | 24,0 | 24,0 | | | 66 897,7 | |
| | | <i>шу жумладан:</i> | | объект | 3 | 3 | 2 | 1 | | | |
| | 1 | Сув таъминоти ва канализация (Буюртмачи: "Ўзсувтаъминот" АЖ) | | км | | | | | | 62 577,7 | |
| | | | | объект | 1 | 1 | | 1 | | | |
| | 1 | Реконструкция қилиш | | км | | | | | | 60 577,7 | |
| | | | | объект | 1 | 1 | | 1 | | | |
| 28 | 1 | Нукус шаҳри "Нукус" сув тозалаш иншоотини реконструкция қилиш | 2022-2023 йй. | объект | 1 | 1 | | 1 | | 60 577,7 | Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 апрелдаги 223-сон қарори |
| | | Кредитор қарздорликларни қоплаш | | | | | | | | 2 000,0 | |
| | 2 | Давлат ижтимоий буюртма лойиҳалари (Буюртмачи: Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги) | | км | 24,0 | 24,0 | 24,0 | | | 4 320,0 | |
| | | | | объект | 2 | 2 | 2 | | | | |
| | 2 | Янги қурилиш | | км | 24,0 | 24,0 | 24,0 | | | 4 320,0 | |
| | | | | объект | 2 | 2 | 2 | | | | |
| 29 | 1 | Беруний тумани "Бийбазар" ОФЙ "Пахтачи" қишлоқ аҳоли яшаш пунктини тоза ичимлик суви билан таъминлаш | 2023 йй. | км | 12,0 | 12,0 | 12,0 | | | 2 160,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 майдаги ПҚ-257-сон қарори |
| | | | | объект | 1 | 1 | 1 | | | | |
| 30 | 2 | Амударё тумани "Бўз солма" МФЙ "Бўз солма" қишлоқ аҳоли яшаш пунктини тоза ичимлик суви билан таъминлаш | 2023 йй. | км | 12,0 | 12,0 | 12,0 | | | 2 160,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 майдаги ПҚ-257-сон қарори |
| | | | | объект | 1 | 1 | 1 | | | | |
| | 17 | Ирригация тармоқлари ва иншоотлари (Буюртмачи: Сув хўжалиги вазирлиги) | | канал, км | 244,0 | 81,6 | | 81,6 | | 126 421,9 | |
| | | | | н-с, м3/сек | 9 | 9 | 9 | | | | |
| | | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | | |
| | 2 | Янги қурилиш | | н-с, м3/сек | 9 | 9 | 9 | | | 6 017,4 | |
| 31 | 1 | Бўзатов туманидаги "Амударё" дарёсининг ПК900 қисмида 2 дона НДН-24 насос агрегатини ўрнатиш | 2021-2023 йй. | н-с, м3/сек | 3 | 3 | 3 | | | 3 047,1 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 32 | 2 | Тахياتош туманидаги "Тахياتош ИЭС"га сув келтирувчи каналга насос станция қуриш | 2022-2023 йй. | н-с, м3/сек | 6 | 6 | 6 | | | 2 970,3 | Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 июлдаги 393-Ф-сон фармойиши |
| | 14 | Реконструкция қилиш | | канал, км | 244,0 | 81,6 | | 81,6 | | 68 904,5 | |
| 33 | 1 | Нукус туманидаги "Анасай" каналини реконструкция қилиш | 2018-2023 йй. | канал, км | 13,6 | 1,1 | | 1,1 | | 5 385,2 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 34 | 2 | Нукус шаҳридан ўтувчи "Дўстлик" каналини реконструкция қилиш (3-босқич) | 2018-2024 йй. | канал, км | 4,0 | 0,2 | | 0,2 | | 4 000,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 35 | 3 | Чимбой туманидаги "Майжап" каналининг ПК100+00 дан ПК300+00 гача реконструкция қилиш | 2019-2023 йй. | канал, км | 20,0 | 6,3 | | 6,3 | | 6 701,5 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 36 | 4 | Тўртқўл туманидаги "Янбаш" каналини реконструкция қилиш | 2020-2023 йй. | канал, км | 43,6 | 4,0 | | 4,0 | | 9 513,4 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 37 | 5 | Бўзатов тумани "Тўртқўл" каналини реконструкция қилиш | 2020-2023 йй. | канал, км | 17,3 | 2,4 | | 2,4 | | 2 219,8 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 38 | 6 | Қораўзақ туманидаги "Эски Есимўзақ" каналини ПК20+00 дан ПК45+00 гача реконструкция қилиш | 2021-2023 йй. | канал, км | 2,5 | 1,0 | | 1,0 | | 3 956,2 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |

| | | | | | | | | | | | |
|----|----------|---|---------------|----------------------|---------------|--------------|------------|--------------|--|-----------------|---|
| 39 | 7 | Бўзатов тумани "Аспантай" хўжаликлараро каналлини реконструкция қилиш | 2021-2023 йй. | канал, км | 25,8 | 18,5 | | 18,5 | | 7 498,7 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 40 | 8 | Бўзатов тумани "Эркиндарё" хўжаликлараро каналлини реконструкция қилиш | 2021-2023 йй. | канал, км | 32,4 | 8,7 | | 8,7 | | 5 765,8 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 41 | 9 | Амударё туманидаги "Манғит-арна" каналлини ПК268+00 дан ПК316+00 гача реконструкция қилиш | 2021-2024 йй. | канал, км | 4,8 | 2,5 | | 2,5 | | 6 552,4 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 42 | 10 | Тахтақўпир тумани "Боз жап" канали ПК0+00 дан ПК 194+00 гача реконструкция қилиш | 2022-2023 йй. | канал, км | 19,4 | 3,4 | | 3,4 | | 7 309,4 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 43 | 11 | Қораўзак туманидаги "Есмюзак" каналлини ПК0+00 дан ПК278+00 гача реконструкция қилиш (1-босқич) | 2022-2024 йй. | канал, км | 16,7 | 3,4 | | 3,4 | | 4 000,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 44 | 12 | Қўнғирот туманидаги "Бирлик" каналлини ПК00+00 дан ПК272+00 гача қисмини реконструкция қилиш | 2022-2023 йй. | канал, км | 27,2 | 19,5 | | 19,5 | | 3 124,5 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 45 | 13 | Кегейли туманидаги «Кўк ўзак» каналлини ПК0+00 дан ПК110+00 гача ва ПК162+00 дан ПК328+00 гача қисмини реконструкция қилиш (1-босқич) | 2022-2023 йй. | канал, км | 15,7 | 9,6 | | 9,6 | | 1 959,7 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 46 | 14 | Хўжайли тумани П.Халмуратов ОФЙ худудидаги "Амударё" дарёсининг дарё кирғокларини (ПК282 дан ПК292 гача) мустаҳкамлаш | 2022-2023 йй. | канал, км | 1,0 | 1,0 | | 1,0 | | 917,9 | Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 январдаги 1-сон баёни |
| | | Лойиҳа-қидирув ишлари | | | | | | | | 500,0 | |
| | | Кредитор қарздорликларни қоплаш | | | | | | | | 1 000,0 | |
| | 1 | Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (GEF) лойиҳаларини бошқариш агентлиги (Бюртмачи: Халқаро оролни қутқариш жамғармаси ижроя қўмитаси Нукус филиали) | | | м3/сек | 1 250 | | 1 250 | | 50 000,0 | |
| | 1 | Янги қурилиш | | | м3/сек | 1 250 | | 1 250 | | 50 000,0 | |
| 47 | 1 | Амударё дельтасида кичик сув хавзаларини барпо қилиш. Фаза-II | 2018-2023 йй. | м3/сек | 1 250 | 1 250 | | | | 50 000,0 | Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги 37-сон қарори |
| | 8 | Мелиорация тармоқлари ва иншоотлари (Бюртмачи: Сув хўжалиги вазирлиги) | | коллектор, км | 124,4 | 56,5 | 3,2 | 53,3 | | 36 363,4 | |
| | | | | қўприк, дона | 1 | 1 | | 1 | | | |
| | | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | | |
| | 1 | Янги қурилиш | | коллектор, км | 9,8 | 3,2 | 3,2 | | | 12 809,4 | |
| 48 | 1 | Нукус туманидаги "Нукус" коллекторини қуриш (3-босқич) | 2018-2023 йй. | коллектор, км | 9,8 | 3,2 | 3,2 | | | 12 809,4 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| | 7 | Реконструкция қилиш | | коллектор, км | 114,6 | 53,3 | | 53,3 | | 22 054,0 | |
| | | | | қўприк, дона | 1 | 1 | | 1 | | | |
| 49 | 1 | Шуманай туманидаги "ГЛК" туманлараро коллекторининг ПК396+00 дан ПК718 гача қисмини реконструкция қилиш (2-босқич) | 2022-2024 йй. | коллектор, км | 32,2 | 8,2 | | 8,2 | | 5 500,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |

| | | | | | | | | | | |
|----|-----------|--|---------------|---------------|--------------|--------------|----------|-------------|------------------|--|
| 50 | 2 | Тўрткўл туманидаги "ГД-1-2" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш (2-босқич) | 2022-2023 йй. | коллектор, км | 12,9 | 6,4 | | 6,4 | 3 015,9 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 51 | 3 | Кегейли туманидаги "КС-3-5-1" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш | 2022-2023 йй. | коллектор, км | 7,0 | 2,7 | | 2,7 | 1 116,2 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 52 | 4 | Бўзатов туманидаги "КС-1" туманлараро коллекторининг ПК691+00 даги автоўл кўпригини реконструкция қилиш (1-босқич) | 2022-2023 йй. | кўприк, дона | 1 | 1 | | 1 | 2 555,8 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 53 | 5 | Беруний туманидаги "К-11" хўжаликлараро коллекторининг ПК0+00 дан ПК208+00 гача қисмини реконструкция қилиш (1-босқич) | 2022-2023 йй. | коллектор, км | 21,3 | 13,0 | | 13,0 | 3 004,4 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 54 | 6 | Кўнғирот туманидаги "Кўнғирот" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш | 2022-2023 йй. | коллектор, км | 28,0 | 17,1 | | 17,1 | 4 508,8 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| 55 | 7 | Хўжайли туманидаги "Раённий" хўжаликлараро коллекторининг ПК100+00 дан ПК230+00 гача қисмини реконструкция қилиш (1-босқич) | 2022-2023 йй. | коллектор, км | 13,2 | 5,9 | | 5,9 | 2 352,9 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 декабрдаги ПҚ-4912-сон қарори |
| | | Лойиха-қидирув ишлари | | | | | | | 300,0 | |
| | | Кредитор қарздорликларни қоплаш | | | | | | | 1 200,0 | |
| | 10 | Автомобиль йўллари (Бюджетмачи: Автомобиль йўллари қўмитаси) | | км | 110,8 | 9,0 | | 9,0 | | |
| | | | | объект | 2 | 2 | 2 | | 113 400,0 | |
| | | | | пм | 115,8 | 115,8 | | 24,0 | 91,8 | |
| | 6 | Автомобиль йўллари объектлари | | км | 110,8 | 9,0 | | 9,0 | | |
| | | | | объект | 2 | 2 | 2 | | 103 100,0 | |
| 56 | 1 | A380 "Гузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 698-765 км қисмини реконструкция қилиш | 2021-2025 йй. | км | 67,0 | 4,0 | | 4,0 | 50 000,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2775-сон қарори |
| 57 | 2 | 4P176 "Нукус ш. - Чимбой ш. - Тахтақўпир о." автомобиль йўлининг 0-14,3 км, 58-63 км ва 110,5-114 км қисмларини реконструкция қилиш | 2020-2024 йй. | км | 22,8 | 5,0 | | 5,0 | 24 000,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасига ташриф баёни (21.11.2018 йилдаги 21351-хх-сон) |
| 58 | 3 | 4P174 "Нукус ш. - Хўжайли ш." автомобиль йўлининг 0-11 км қисмини реконструкция қилиш | 2020-2024 йй. | км | 11,0 | | | | 5 000,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2775-сон қарори |
| 59 | 4 | 4P176A "Нукус темир йўл станцияси" автомобиль йўлининг 0-10 км қисмини реконструкция қилиш | 2020-2024 йй. | км | 10,0 | | | | 5 000,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2775-сон қарори |
| 60 | 5 | A380 "Гузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 753 км қисмида вазн ва ҳажм параметрларини назорат қилиш пунктларини куриш ва замонавий техник воситалар билан жиҳозлаш | 2022-2023 йй. | объект | 1 | 1 | 1 | | 9 800,0 | Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги 337-сон қарори |
| 61 | 6 | A380 "Гузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 698 км қисмида вазн ва ҳажм параметрларини назорат қилиш пунктларини куриш ва замонавий техник воситалар билан жиҳозлаш | 2022-2023 йй. | объект | 1 | 1 | 1 | | 9 300,0 | Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги 337-сон қарори |
| | 4 | Кўприклар ва йўл ўтказгичлар (Бюджетмачи: Автомобиль йўллари қўмитаси) | | пм | 115,8 | 115,8 | | 24,0 | 91,8 | 10 300,0 |

| | | | | | | | | | | | |
|----|---|---|---------|----|------|------|--|------|------|----------------|---|
| 62 | 1 | Нукус шаҳрида жойлашган 4P176г "4P175 автойўлига" автомобиль йўлининг 0,6 км қисмидаги кўприкни мукамал таъмирлаш | 2023 й. | пм | 31,5 | 31,5 | | | 31,5 | 2 800,0 | Автомобиль йўллари қўмитасининг 2022 йил 14 июлдаги 02-2282-сон хати |
| 63 | 2 | Чимбой туманида жойлашган 4P175 "Нукус ш.-Оқманғит ш.-Кегайли ш.- Чимбой ш.-Қозоқдарё овули" автомобиль йўлининг 54,7 км кўприкни мукамал таъмирлаш | 2023 й. | пм | 42,3 | 42,3 | | | 42,3 | 2 800,0 | Автомобиль йўллари қўмитасининг 2022 йил 14 июлдаги 02-2282-сон хати |
| 64 | 3 | Қонликўл туманида жойлашган 4Н88 "4P173 автойўли (61 км) Олтинкўл ДФХ-Бекёп насос ст.-Қорабайли темир йўл станцияси" автомобиль йўлининг 42,4 км қисмидаги кўприкни реконструкция қилиш | 2023 й. | пм | 24,0 | 24,0 | | 24,0 | | 3 300,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сон қарори |
| 65 | 4 | 4Н100 "А380 автойўли-Беруний аэропорти" автомобиль йўлининг 1 км қисмидаги кўприкни мукамал таъмирлаш | 2023 й. | пм | 18,0 | 18,0 | | | 18,0 | 1 400,0 | Автомобиль йўллари қўмитасининг 2022 йил 14 июлдаги 02-2282-сон хати |
| | | Бошқалар (Буюртмачи: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши) | | | | | | | | 4 766,4 | |
| | | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | | |
| | | Туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш объектларининг кредитор қарздорликларни қоплаш учун | | | | | | | | 4 766,4 | |

*) лимитлар тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича аниқлаштирилади.

Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar
Kengashining
2023 yil 10 yanvardagi
16-13-0-Q/23-son qaroriga
2-ilova

2023 йилда муҳандислик инфратузилма, алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

млн сўм

| Т/р | Объект номи ва манзили | Амалга ошириш муддати | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа қуввати, жами | 2023 йилда фойдаланишга топширила-диган қувват | шу жумладан: | | 2023 йил учун лимит* | Дастурга киритиш учун асос |
|-----|--|-----------------------|---------------|----------------------|--|--------------|----------------|----------------------|--|
| | | | | | | Янги қурилиш | Реконструк-ция | | |
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 11 | 12 |
| 1 | Халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларнинг давлат бюджет қисми (Сўв хўжалиги вазирлиги) | | канал, км | 34,8 | 34,8 | 34,8 | 0,0 | 80 000,0 | |
| | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | |
| 1 | Янги қурилиш | | | 34,8 | 34,8 | 34,8 | 0 | 80 000,0 | |
| 1 | Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини яхшилаш (Бўстон канали қурилиши объекти) | 2015-2023 йй. | канал, км | 34,8 | 34,8 | 34,8 | | 80 000,0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 мартдаги ПҚ-2324-сон қарори |

Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar
Kengashining
2023 yil 10 yanvardagi
16-13-0-Q/23-son qaroriga
3-ilova

**2023 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва мудофаа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларнинг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

млн сўм

| Т/р | Объект номи ва манзили | Амалга ошириш муддати | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа қуввати | 2023 йилда фойдаланишга топширила-диган қувват | шу жумладан: | | 2023 йил учун лимит* | Дастурга киритиш учун асос |
|-----|--|-----------------------|---------------|----------------|--|--------------|----------------|----------------------|--|
| | | | | | | Янги қурилиш | Реконст-рукция | | |
| | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги | | | | | | | | |
| | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | |
| | Қорақалпоғистон Республикаси | | | 1 | 1 | 1 | | 6 100,0 | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг назорат ўтиш жойи, дарвозаси билан бирга девор тўсиқ қурилиши ва худудни ободонлаштириш | 2023 й. | объект | 1 | 1 | 1 | | 6 100,0 | Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 июлдаги 1-сон баёни |
| | Ўзбекистон Республикаси Олий суди | | | | | | | | |
| | <i>шу жумладан:</i> | | | | | | | | |
| | Қорақалпоғистон Республикаси | | | 1 | 1 | | 1 | 3 450,0 | |
| 1 | Нукус ҳарбий суди биносини реконструкция қилиш | 2023 й. | объект | 1 | 1 | | 1 | 3 450,0 | Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги 103-сон қарори |

Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar
Kengashining
2023 yil 10 yanvardagi
16-13-0-Q/23-son qaroriga
4-ilova

**2023 йилда махсус иқтисодий зоналар, кичик sanoat зоналари, ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зоналари ҳамда йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида маблағ ажратиладиган объектларнинг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

| T/p | Объект номи | Амалга ошириш муддати | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа қуввати | 2023 йилда фойдаланишга топширила-диган қувват | 2023 йил учун лимит* | |
|-----|---|-----------------------|---------------|----------------|--|----------------------|---------|
| 5 | Махсус sanoat зонасини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш | | | | | | 121 000 |
| 1 | Сув таъминоти ва канализация | | км | 23,0 | | 50 000,0 | |
| | | | объект | 5 | | | |
| 1 | "Қораўзак" махсус sanoat зонасини сув билан таъминлаш учун сув қувурларини тортиш ва гидротехник иншоотларни қуриш | 2023-2024 йй. | км | 23,0 | | 50 000,0 | |
| | | | объект | 5 | | | |
| 1 | Автомобиль йўллари, кўприklar ва йўл ўтказгичлари | | км | 28,5 | | 4 000,0 | |
| 1 | "Қораўзак" махсус sanoat зонасига олиб боровчи автомобиль йўлини қуриш | 2023-2024 йй. | км | 28,5 | | 4 000,0 | |
| 1 | Электр энергияси тармоқлари | | км | 160,6 | | 30 000,0 | |
| | | | объект | 3,0 | | | |
| 1 | "Қораўзак" махсус sanoat зонасини Электр энергияси билан таъминлаш учун юқори қучланишли электр тармоғи ва подстанция қуриш ҳамда электр ускуналарини ўрнатил | 2023-2024 йй. | км | 160,6 | | 30 000,0 | |
| | | | объект | 3 | | | |
| 1 | Табий газ тармоқлари | | км | 0,5 | | 17 000,0 | |
| | | | объект | 1,0 | | | |
| 1 | "Қораўзак" махсус sanoat зонасини табий газ тармоғи тортиш ва газ тақсимлаш станциясини қуриш | 2023-2024 йй. | км | 0,5 | | 17 000,0 | |
| | | | объект | 1 | | | |
| 1 | Темир йўл транспорти | | км | 16,3 | | 20 000,0 | |
| 1 | "Қораўзак" махсус sanoat зонасига боровчи ва ички темир йўлларни қуриш | 2023-2024 йй. | км | 16,3 | | 20 000,0 | |

Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar
Kengashining
2023 yil 10 yanvardagi
16-13-0-Q/23-son qaroriga
5-ilova

2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари маблағлари ҳамда маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш объектларининг
МАНВИЛИНИ РЎЙХАТИ

| Т/р | Объект номи | Амалга ошириш муддати | Ўлчов | Лойиха | 2023 йилда | 2023 йил учун | Молиялантириш манбаси | 20 | Кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш | | | | | 6 283,5 | |
|-----|---|-----------------------|---------|---------|--|---------------|--|----|---|--|--|--|--|---------|--|
| | | | бирлиги | қуввати | гойдаланишига гойширила-диган қувват | лимит* | | | | | | | | | |
| 7 | Сув таъминоти ва канализация | | км | 7,5 | 7,5 | 2 744,0 | | | | | | | | | |
| | | | объект | 1,0 | 1,0 | 0,0 | | | | | | | | | |
